

УРУШ ОЛОВИНИ ЕЌУВЧИЛАР-НИНГ ШАРМАНДАСИ ЧИҚДИ!



Тарих лаънатлайди

Бутун дунё халқлари оралиқ кутаётган кенгаши кечинтирилди. Бундан бир неча кун олдин ана шу масала ер юзидеги барча прогрессив кишиларнинг диққат марказида турган, ҳаммази баббаравар қизиқтиратган эди.

Хукуматимиз бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев берган баёнотида, матбуот конференциясида журналистлар савоалларига берган чуқур маъмули жавобларида кенгашнинг кечинтириш сабабларини яққол кўрсатиб берди.

Ҳақиқатан ҳам бизга нисбатан нормал дипломатик муносабатда бўлган АҚШнинг тутатган ҳозирги сиёсати шундайлигига қараб, кенгаш ўтказиш ҳеч афга сиймайди.

Хукуматимиз бошлиғи АҚШ ҳукумати ўз қилишидан ўқинар ва бундан бўён меҳнаткашлар озолиқ куни—Биринчи майда содир бўлган ҳодисанинг тақдорлишига барҳам берад, деган мақсадда очиг кўнгил билан Парижда борган эди. Лекин Америка ҳукумори доиралари бунинг аксини кийдилар.

Мен корхонамиз коллектив номидан етилган халқаро масалаларни ҳал қилишга бағишланган уржас доиралари кенгашнинг қолдирилишида айбдор бўлган АҚШ реакция доираларини қар-ғазаб билан лаънатлайман.

Н. ҲАКИМОВ,
Тошкентдаги 2-нон заводи-нинг ишчиси.

Биз кўрқоқ эмасмиз!

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг тўрт давлат бошлиқларининг кенгаши олдиндан берган баёнотининг барча соф виждонли кишилар қатори мен ҳам эўр ҳақон билан тингидим. Хукуматимиз бошлиғи Парижда тинчлик ишларининг байроқдори — совет кишиларининг вакили сифатида очиг кўнгил билан борган эди.

Хўш, Америка ҳарбийлари ивогарлик мақсадида совет осмонига жосуллик самолётини юбориб, ўз айбларига иқдор бўлиш ва бундай номатқул позициядан воз кечи ўринига уруш сиёсатини юргизаётган бир пайтда қандай қилиб тинчлик ҳақида сўз юритиш мумкин!

Шу сабабли ҳам биз полиграфчилар қадри ўртоқ Хрушчевнинг АҚШ ҳукумати арбоблари олдига қўйган ҳаққоний талабларига тўла қўшламиз. Биз дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан тинч-тотув яшаш тарафлари бўлиб келдик ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қоламиз. Совет олимларининг ақл-заковати билан фазога учирилган космик кема тинч меҳнатимизнинг ижодий самарасидир. Америка Қўшма Штатларидаги агрессив доиралар ўз югурдакларини юбориб, ана шу тинч ижодий меҳнатимизга раҳна солишга уриниб кўрмоқдалар.

Иўн жаноблар, ингилисиэ! Биз кўрқоқ кишилар эмасмиз, Космик кемами учира олган совет кишилари ўз душманларига қандай зарба беришни ҳам яхши биладилар.

А. МАРАНМОВ,
Оҳангарон шаҳар босмахонасининг ходими.

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ 21 МАЙ, 1960 ЙИЛ.

Областимиз саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларида, илмий муассасаларда кўп кишилик митинглар бўлиб ўтмоқда. Бунда меҳнаткашлар Совет ҳукуматининг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг берган баёнотини ақдллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва тўрт давлат бошлиқлари кенгашининг барбод бўлишида айбдор бўлган америкалик корхоналарни лаънатламоқдалар. Сурагда: Тошкентдаги 1-пайфазал фабрикасида митинг пайти. Минбарда 5-сех ишчиси Л. Никулина нуқ сўзламоқда.

А. Аверьянов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳақ ўз ерида қарор топади

Бутун дунё халқлари Парижда ўтказиладиган тўрт буюк давлат бошлиқларининг кенгашига катта умид боғлаган эди. Лекин шу орада ошга пашша тушди: Америка империалистлари томонидан ивогарлик мақсадида учирилган ва совет территориясига сурбетларча бостириб кирган самолёт прогрессив инсониятнинг умидини пуча чиқариб қўйди.

Кенгашида тинчлик, ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниши лозим эди. Лекин кенгаши қатнашчиларидан бири, Америка бузуқчилиқ қилгач, қандай қилиб кенгаши ишида яхши натижага эришиш мумкин?

Шунинг учун ҳам хукуматимиз бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев баёноти жуда тўғри баёнотдир. Хукуматимиз бошлиғи Америка ҳукумати ўз айбини бўйнига олсин, бутун инсоният олдида бундан бўён Совет Иттифоқида қарши агрессив ҳаракатлар уюштирмаймиз, деб вағда берсин деган талабни ўртага қўйиб жуда тўғри иш қилсин. Аммо АҚШ ҳукумати бундай қилмади. Демак, шундай экан, кенгашнинг барбод берилишига биринчи навбатда АҚШ ҳукумати айбдор.

Колхозимиз аъзолари билан йиғилиш ўтказганимизда ҳам улар бир овоздан ана шу фикрни айтдилар. Шунингдек улар биз ҳаётини жуда тўғри баёнотдир. Хукуматимиз бошлиғи Америка ҳукумати ўз айбини бўйнига олсин, бутун инсоният олдида бундан бўён Совет Иттифоқида қарши агрессив ҳаракатлар уюштирмаймиз, деб вағда берсин деган талабни ўртага қўйиб жуда тўғри иш қилсин. Аммо АҚШ ҳукумати бундай қилмади. Демак, шундай экан, кенгашнинг барбод берилишига биринчи навбатда АҚШ ҳукумати айбдор.

Барча совет халқи сингари колхозимиз аъзоларининг ҳам бундан бўён орузи тинч ва ижодий меҳнат билан машғул бўлишидир. Биз ишонамизки, уруш оловини ёқмоқчи бўлганларнинг умиди жамоатчиликнинг таълиқи остида пуча чиқаради, халқ бирлашиб ҳаракат қилса, улар ёвз ниятларини амалга оширолмай чапак чалиб қолаберадилар. Ҳақ ўз ерида қарор топади.

Туроб НОРМУҲАМЕДОВ,
Оржоникиде райондаги Ленин номли колхознинг раиси,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Студентлар ғазоби

Тошкентдаги Олий ўқув юртлирининг педагогика коллективлари ва студентлари СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Америка, Франция, Англия давлатлари бошлиқларига берган баёнотини кенг муҳокама қилмоқдалар.

— Совет ҳукумати дунёдаги барча давлатлар билан тинч ва дўстликда яшаш учун ҳаракат қилаётган бир пайтда Америка ҳукумати бизнинг осмонимизга ёвз ният билан жосулларини юбориш планлари тузганлар,—деди тўқмачилик институтининг 4-курс студенти А. Исоқов.— Аммо уларнинг ниятлари пуча чинди. Шундай бўлишига қарамай, Америка ҳукумати бунга тая олиш ва келгусида бундай ёвузликларини таскорламасиз чораларини кўриш ўринига ана шу позицияда туриш ниятларини ўзгартирмайди. Биз, совет студентлари, Никита Сергеевич Хрушчевнинг АҚШ ҳукуматининг баёноти Эйнхзаурга айтган эътирозини жуда тўғри ва ўринли эътироз деб билимиз.

— Мен ва ўртоқларим, — сўз бошлади Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтини студенти Фаизова, — ўртоқ Хрушчевнинг баёнотини эўр қизиқиш билан тингидим. Биз студентлар тўрт буюк давлат бошлиқларининг Парижда ўтказилажак кенгашида бутун дунёда тинчликни сақлаш соҳасида муҳим масалалар ҳал қилинишини кутмоқда эдик. Аммо биргина АҚШ империалистларининг қабих ҳаракатлари натижасида бу кенгаш вақтинча қўхтатилиди. Америка Қўшма Штатлари агрессив ҳаракатларини ўзгартирмагунчаларча одилона музокаралар ўтказиб бўлмас эди, албатта.

Б. ГЕРАНИМУС.
О. ЁҚУБОВ.

СУТ МҮЛ БЎЛСИН!

Область районларида январь-апрель ойида ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори тўғрисида
М А Ё Л У М О Т
(Килограмм ҳисобида)

Районларнинг номи	1960 йилда	1959 йилда соғиб олинган сутта нисбатан процент ҳисобида	Районларнинг номи	1960 йилда	1959 йилда соғиб олинган сутта нисбатан процент ҳисобида
Оққўрғон	417	107,7	Оржоникиде	969	113,9
Бекобод	466	100,0	Пискент	453	121,1
Бўстонлиқ	451	105,9	Ўрта Чирчиқ	445	113,8
Бўка	390	106,3	Сирдарё	473	113,4
Юқори Чирчиқ	555	95,5	Чинз	910	114,2
Гулистон	393	96,6	Янгийўл	720	106,5
Калинин	938	111,1	Янгийўл	518	104,8
Кўйи Чирчиқ	509	98,1	Олмалик	465	119,2

„Информацион бюллетень“нинг биринчи сони чиқди

Коммунистик партиянинг тарихий XXI съезидан сўнг меҳнаткашлар депутатлари Советларнинг ва кенг жамоатчиликнинг мамлакатимиз ҳўжалиқ ҳамда маданий ҳаётидаги роли бирмунча ўсди. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари ҳўжалиқ ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш, соҳасида, ташкилий-оммавий ишлар олиб боришда жуда бой тажриба тўпладилар. Ана шу тажрибани кенг оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми рус ва ўзбек тилларида „Информацион бюллетень“ чиқара бошлади.

Хар қварталда бир марта чиқадиган бюллетень саҳифаларида Советлар сессияларининг ўтказиш, ижроия комитет ва доимий комиссиялар иш тажрибаси, депутатларнинг фаолияти, Советлар фаолиятида демократик централизм принципларини ривожлантириш масалалари, уларнинг иш услуби, социалистик қонунчилиқни мустаҳкамлаш ва жамоатчиликни бу ишда кенг қатнаштириш тажрибалари ёритилиб туради.

Бюллетеньнинг яқинда босмадан чиққан биринчи сониде „Советлар ишлари янги ваифалар даражасига кўтарайлик.“ „Доимий комиссиялар иш тажрибасидан.“ „Қишлоқ Советларида.“ „Депутат трибунаси.“ „Жамоатчилик ёрдами билан.“ „Қардош республикалар маҳалли Советлари иш тажрибасидан“ рубрикалари остида Советлар ва депутатларнинг иш тажрибасини ҳўқон қилувчи материаллар босилган.

Бюллетеньнинг яқинда босмадан чиққан биринчи сониде „Советлар ишлари янги ваифалар даражасига кўтарайлик.“ „Доимий комиссиялар иш тажрибасидан.“ „Қишлоқ Советларида.“ „Депутат трибунаси.“ „Жамоатчилик ёрдами билан.“ „Қардош республикалар маҳалли Советлари иш тажрибасидан“ рубрикалари остида Советлар ва депутатларнинг иш тажрибасини ҳўқон қилувчи материаллар босилган.

Бюллетеньнинг яқинда босмадан чиққан биринчи сониде „Советлар ишлари янги ваифалар даражасига кўтарайлик.“ „Доимий комиссиялар иш тажрибасидан.“ „Қишлоқ Советларида.“ „Депутат трибунаси.“ „Жамоатчилик ёрдами билан.“ „Қардош республикалар маҳалли Советлари иш тажрибасидан“ рубрикалари остида Советлар ва депутатларнинг иш тажрибасини ҳўқон қилувчи материаллар босилган.

Электр чироқлари ёнади

Чинз район Киров номли колхоз аъзолари редакцияга хат ёзиб, ана йилдан бери ёвз турган электр чироқлари 2—3 ойдан бўён ёнаётганини тўғрисида шикоят қилган эдилар.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. Топоровнинг редакцияга хабар қилишича, колхоз правлениеси хатда кўрсатилган камчиликларнинг олдини олиб, электростанция ишнинг яхшилаш ва колхоз хонадонларининг электр қуввати билан мунтазам таъмин қилиб туриш юзасидан зарур чораларни кўрган.

ИВАНОВО —
ТОШКЕНТ

20 май эрталаб Иваново области меҳнаткашларининг делегати я с и Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ҳўзурида меҳмон бўлди.

— Бу гал биз экскурсия раҳбарини ўзимиз билан бирга олиб келдик, — деб ҳазиллашди делегация раҳбари Иваново область партия комитетининг биринчи секретари И. В. Капитонов. Ҳақиқатан ҳам делегатлардан бири—Иваново Халқ ҳўжалиғи кенгашининг раиси Е. Т. Алексеев бундан 11 йил муқаддам Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори эди. Лекин меҳмон биринчи цехни кўриш билан гапига тузатиш киритди:

— Ўзгарин кўп! Хўжайинларнинг ўзлари изоҳлар беришин... Бу ерда ишлар беришни, тажрибани сўзлаб беришни истовчи кишилар кўп эди. Меҳмонлар кирган ҳар бир фабрика, ҳар бир участкада уларни: „Хўш келибсиз, дўстлар!“, „Иваново ва Тошкент тўқимачилари ўртасидаги мусобадада меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришайлик!“ деган ширлар билан қутиб олинди. Лекин комбинат ходимларининг ва меҳмонларнинг тўйгуларини табассумлар, дўстона қўл

Ўзбекистон инженер-техник ходимлари ва саноат новаторларининг иккинчи съезди ўз ишини тамомлади

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислик қилган съездининг биринчи ялпи мажлисида 5 киши сўзга чиқди.

Рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатини кенг авж олдиришнинг муҳим шартидир, деди Самарқанд Халқ ҳўжалиғи кенгашининг раиси М. Ш. Мирқосимов. Халқ ҳўжалиғи кенгаши касба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқариш новаторларининг конкурслари ва кўрикларини, бир-бирига ўхшаш корхоналар рационализаторлари ва ихтирочиларининг конференцияларини мунтазам равишда ўтказиб турибди.

Ўртоқ Мирқосимов бир қанча мисоллар келтириб, новаторларнинг тақлифлари айрим ҳолларда бошқармалар ва планлаштирувчи ташкилотлардаги базис раҳбарларнинг эътиборсизлигига дуч келаётганлигини кўрсатиб берди.

Олтинтопан комбинатининг бош инженери Н. С. Цветнов ўз нутгини фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлади. Тажриба шунини кўрсатади, олимлар билан практиклар ҳамкорлигининг пухтароқ ва таъсирчанроқ формалари қидириб топилиши керак. Ақтуал ва техника проблемаларини ҳал этиш учун корхоналарда ташкил этилаётган таъаббускор гуруҳларга институт ходимларини киритиш тўғри бўлур эди.

Минбарга Иваново иқтисодий райони ходимлари делегациясининг раҳбари, Иваново область партия комитетининг биринчи секретари И. В. Капитонов чиқди. У, Россия Федерациясининг энг кекса индустриал маркази меҳнаткашлари номидан съезд қатнашчиларига ва улар орқали бутун ўзбек халқига қизғин қардошлиқ саломини топиради. Иваново Халқ ҳўжалиғи кенгаши корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари, дейди ўртоқ Капитонов, Тошкент иқтисодий районидаги завод ва фабрика коллективлари билан мусобақа бошлаш билан тақлифни мамнуният билан қабул қилдилар. Бу тақлиф гайратга қайрат қўлиш ва тақлифнинг амалга оширилиши ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги бузимас дўстлиқнинг ёрқин намоишига айланиб кетди.

Марғилон ишак комбинатидаги коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари ўртоқ А. Назиров сўз олди. У ўзи бошлиқ коллектив шу йилнинг тўрт ойи ичиде пландан ташқари 6 минг метр газлама ишлаб чиқарганини ва йиллик программани 10 ойда адо этишга аҳд қилганлигини айтди.

Инги техника ва илгор технологияни жорий қилиш соҳасидаги тадбирлар ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилган шароитдагина қўнғилдайдик иқтисодий фойда келтириши мумкин. —Тошкент Халқ ҳўжалиғи кенгашининг раиси Н. В. Мартинов нутқининг асосий мазмуни шундан иборат бўлди.

У, конструкторлик бюрolari фаолияти ҳақидаги масалалар алоҳида эътибор берди. Бу бюрolarнинг кучгайратини янги машиналарга камроқ металллар сарфлаш, машиналар ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, металллар ўринга синтетик материаллардан кенг фойдаланиш масалаларига қаратиш зарур. Инги техникани конструкция қилган пайтда ундан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганини ўрганишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов раислигида ўтган съездининг иккинчи ялпи мажлисида музокаралари Андидон область партия комитетининг

секретари А. П. Буреов бошлаб берди. Техника тараққийотини тезлаштириш учун кураш, дейди у, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишига эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Мандат комиссиясининг раиси И. К. Титов доклады тингладиди. У, съезд делегатларининг учдан икки қисми юзларча саноат ва транспорт корхонаси, қурилиш ташкилоти, алоқа ташкилоти, илмий-техшидрш ва лойиҳа инетитутлари, конструкторлик ташкилотларидан вакил бўлиб келганлигини билдирди.

Ўзбекистон Касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуриддинов саноатда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалалари устида тўхталиб ўтди. Давлат кишилар ҳақида гамхўрлик кўрсатиб, уларнинг меҳнат шариитини соғломлаштириш учун жуда катта маблағлар ажратмоқда.

Қорақалпоғистон Халқ ҳўжалиғи кенгашининг раиси П. Сейтов Қорақалпоғистон иқтисодий райони индустриал қувватининг ошиб бораётганлиги, бу ердаги янги қурилишлар ҳақида гапирди.

Тошкентдаги Ленин номли электр лампа заводининг коллективи Тошкент Халқ ҳўжалиғи кенгаши корхоналарининг социалистик мусобақасида биринчилиқни ҳамда республика Министрлар Совети ва Халқ ҳўжалиғи кенгашининг кўчма Қизил байроғини 18 ойдан бери қўлдан бермай келаётди. Бу илгор корхонанинг ишчилари ва мутахассислари етти йилкининг охирига планлаштирилган меҳнат умулморлиғи даражасига 1963 йилдаёқ эришишга аҳд қилдилар. Завод мастери М. В. Александрова ана шу ҳақда гапириб берди.

Фаргона нефть комбинатининг бошлиғи А. Р. Хўнаев ўз сўзида айтдики, бу нефть комбинатининг қонлариде суюқ ёниғи қазиб чиқариш процессларини комплекс автоматлаштириш ва телемеханизациялаштирилган дастлабки асосий босқичи туғилган. Миндан ортқ қудуқ масофадан туриб контроль қилиш ва бошқариш пультагари уланди. Навбатдаги босқич—ёрдамчи цехлар ва объектларни телемеханизациялаш ва автоматлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон ЎКСМ Марказий Комитетининг секретари М. П. Вишинский съезд делегатларига техникани тараққийот этириш учун юрш эълон қилган ёшлар ижодий фаолиятининг натижаларини гапириб берди. Ўтган йил ва шу йилнинг тўрт ойи ичиде ёшларнинг актив иштироки билан тўрт мингдан кўпроқ асбоб-ускуна модернизация қилинди, 32 потог линияси фойдаланишга топширилди. Шу давр ичиде ёш рационализаторлар йилига даярлик бир юз эллиқ миллион сўм маблаг тежам имкониин берадиган 20 мингдан кўпроқ тақлифни жорий қилдилар.

Ҳозир асосий эътибор энг кам моддий ва меҳнат сарфлаган ҳолда етти йиллик топшириқларини муздатида илгари бажаришга қаратилиши керак, — деди Бухоро Халқ ҳўжалиғи кенгашининг раиси С. М. Нурсатов.

Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси раисининг ўринбосари И. М. Нажестин планлаштиришдаги камчиликлар ҳақида гапирди. Ҳозирги вақтда ҳўкумат белгилган янги тартибга мувофиқ, корхоналарда, қурилишларда ва халқ ҳўжалиғи кенгашиларида ишлаб чиқариш планлари тузишдан илгари янги техникани жорий қилиш юзасидан топшириқлар ишлаб чиқишлини керак. Шу таразда новаторлик фикрларини амалга ошириш учун энг яхши шароитлар вужудга келтирилимоқда.

Заводларнинг марказий лабораториялари янги техникани ишлаб чи-

қиш ва жорий этишда катта роль ўйнашлари мумкин ва лозим. Бу лабораторияларни юқори маалали мутахассислар билан таъминлаш керак. Халқ ҳўжалиғи кенгашлари тажриба — экспериментал базалар ва конструкторлик бюрolarини қучайтириш ҳақида гамхўрлик қилишлари керак.

„Ўзбекгидроэнергострой“ трестининг бошқарувчиси П. П. Фалаев республикада энергетика қурилиши миқёсининг ошиб бораётганлиғи ҳақида гапирди. Лекин бу қурилиш суръати халқ ҳўжалиғи эътиёжларидан ҳали ҳам орқда қолмоқда. Бунинг сабаби лойиҳа-смета ҳўжажатларининг кечиктирилаётганлиғидир.

Тошкент РЭС директори Л. И. Бобович новаторлар тажрибасини оммалаштириш соҳасидаги ишларни тақомиллаштириш зарурилигини таъкидлаб кўрсатди. Съезд очилиши муносабати билан ташкил этилган Ўзбекистон Халқ ҳўжалиғидаги янги техника выставкеси бу ишга моҳирлик билан ёндошнинг намунаси бўла олади.

19 майда съездеда секцияларнинг мажлислари бошланди.

20 майда Навоий номидаги опера ва балет театрида Ўзбекистон саноат инженер-техник, ходимлари ва новаторлари иккинчи съездининг охириги ялпи мажлиси бўлди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов раислигида ўтган мажлисинида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдуразоқовнинг партия XXI съезди ва ЎКСМ Марказий Комитети июнь Пленумининг халқ ҳўжалиғида техника тараққийот масалалари ҳақидаги қарорларини республикада амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда Анди жондаги „Строммашина“ заводининг бош инженери Н. И. Глинкад, СССР Госплан бўлимининг бошлиғи Н. А. Орлов, Фаргона область партия комитетининг секретари Х. Хонкелдиев, Самарқанддаги „Хўжум“ ишлашлик фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари Л. Сулаймонова, СССР Министрлар Советининг автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети раисининг ўринбосари П. Д. Бердин, Ўзбек селъмаш заводи коммунистик бригадасининг раҳбари В. Ф. Ермошкин нуқ сўзладди.

СССР Министрлар Совети илмий-техника Давлат комитетининг раиси, СССР Министри К. Д. Петухов нуқ сўзлади.

Раислик қилувчи съезд номига келган табрик телеграммаларини, шунингдек бир қанча саноат корхоналари коллективларининг беш ойлик ишлаб чиқариш программасини бажарганлиқлари ҳақида рапортларини ўқиб эшиттирдди.

Съезд музокараларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети илмий-техника Давлат комитетининг раиси М. Т. Уразбоев секциялар мажлисларининг иш якуналари ҳақида ахборот берди.

Съезд Ўзбекистон ССР нинг барча саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш ходимларига қарата Мактуб қабул қилди.

Съезд қатнашчилари эўр ақдлийлик билан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети табрик телеграммаси иборидилар. (ЎзТАГ).

(Съездининг охириги мажлиси ҳақидаги муфассал ҳисобот газетанинг келгуси сониде эълон қилинади).

ди Куликова. Шу ондаёқ бир варақ қорозда: „Шартнома“ деган сўз пайдо бўлди.

Яна „Танишайлик!“ деган сўздан кейин „Мусобақалашамиз!“ деган сўз эшитилиб турди. Ивановоликлар билан кўч, маҳорат сингашища Екатерина Суворукова, Любавь Светашева, Михаил Ульбеков, Роза Ўринева ва бошқа кўпгина ил йигирувчилар, тўқувчилар, пардозловчилар аҳд қилдилар.

Делегациянинг бошқа аъзолари мусобақанинг янги формалари, техникани тақомиллаштириш, ишлаб чиқариш экономикаси сингари масалалар билан қизиқдилар. Иваново-дан келган меҳмонларнинг комбинат коллективи билан учрашуви ҳар иккала шаҳар меҳнаткашлари дўстлигини янада мустаҳкамлади.

Ўша куннинг ўзида Иваново меҳнаткашларининг делегацияси — област партия комитетининг биринчи секретари И. В. Капитонов, Халқ ҳўжалиғи кенгашининг раиси Е. П. Алексеев, Держинский номли фабриканинг мастер ёрдамчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. В. Куликова, „Рабочий край“ газетасининг редактори В. А. Кулагин, П-СМУ бошлиғи Е. Н. Рогачев Чинловор уй-жой массивига бардилар, уй қуриш комбинатининг иши билан танишдилар. (ЎзТАГ).

3-БЕТ, 21 МАЙ, 1960 ЙИЛ

МЎЛ-ЌЎЛЧИЛИК НИШОНАСИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи «Ташкорко-опторг» ташкилоти декабрь Пленуми қарорларига жавобан пойтахт меҳнаткашларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли таъминлаш юзасидан бир қанча тўд-бирларни амалга оширмоқда.

«Ташкоркоопторг» йил сайин маҳсулот ассортиментини кенгайтириб бормоқда. 1959 йилнинг ўзига аҳолига 202 тонна сут, 28 тонна асал, 27 минг дона парранда гўшти сотилган бўлса, бу йил ўтган йилгига қараганда уларнинг миқдори анча қўлайтирилди. 1960 йилда пойтахт аҳолисига 2000 тонна сут, 50 тонна асал, 270 тонна парранда гўшти, 75 тонна қўнбаса, оқорок, ветчина ҳамда 4000 тонна қовун, тарвуз ва мева сотиш кўзда тутилмоқда.

«Ташкоркоопторг» балиқ маҳсулотлари ассортиментини қўлай-тириш мақсадида балиқ дудлайди-

ган цех очди. Ўтган йили келтирилган 146 тонна балиқнинг 53 тоннаси шу цехда дудланиб, мағазин ва ларекларга чиқарилди. Бу йил балиқ маҳсулотлари яна ҳам қўлайтирилади.

Савдо шохочиларига олча, олма, узум ва ҳар хил мевадан жами бўлиб 1,5 минг тонналик маҳсулот Қозғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикаларидан келтирилади.

Тошкент область матлубот союзи 1960-1965 йилларда Чиланзор массивида, Весна, Уста Ширин, Енисевольтний кўчаларида ва кабель заводи атрофида икки қаватли 5 та маҳсуллаштирилган мағазин қуриб фойдаланишга тоштиради. Натижада шаҳар меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш янада яхшиланади.

А. МАМАЮСУПОВ,
Р. МИФТАХУДДИНОВ.

Ёш врачлар—узок районларга

Тошкент давлат медицина институтини бу йил турли факультетлар бўйича 700 га яқин ёш мухассис тамомлайди. Ана шу битирувчилар қишлоқ да-ла-да тақсимот комиссияси томонидан ишлаш жойларига йўланма олдиди.

Мушкетил ҳаётга илк қадам ташлаётган ёш врачларнинг қўлидаги республикамизнинг узок районларига бориб ишлаш

истагини билдиришди. Жумладан, Т. Хидоятлов Хоразм, Х. Нўрмухаммадов Самарқанд, Х. Оролбеков ас Мўйноқда ишлашга ахд қилишди. Шунингдек қўлгана битирувчилар областимизнинг медицина кадрларига кўпроқ эҳтиёжи бўлган район ва шаҳарларга бориб ишлаш учун йўланма олдиди.

А. КИМ.

„Муштум“нинг янги сони

«Муштум» журналининг 9-сонини босмадан чиқди. Унинг муқовасида чорвачилик маҳсулотлари таъинларини ҳақдан ташқари олиб беришга айланиб кетган соҳа раҳбарларини танқид қилувчи нарисурат босилган.

Бу сонда «Оч бичирига» рубри-каси остида М. Тургуновнинг «Сув қўмас», «Мамур» узокқўлиги «Ориқ» ва «Семиз» сарлавлари материаллари, Гафратийнинг тош-тарозидан уриб, харидорлар ҳақи-

Тошкент шаҳар 35-Гвардия савло округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликлдан қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказиш натижалари тўғрисида округ комиссиясининг маълумоти

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ, 1960 йил 15—16—17 майда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маждид Йўлдошевни депутатликлдан қақриб олиш тўғрисида Тошкент шаҳар 35-Гвардия савло округи сайловчиларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Округ комиссияси, қақриб олиш тўғрисида ўтказилган йиғилишлар материалларини кўриб чиқиб, шу нарсани аниқладики, йиғилишларда 8319 сайловчи ёки 1959 йил 1 мартда ўтказилган сайловда қатнашган сайловчиларнинг 78,1 проценти иштирок этган. Депутатни қақриб олишни ёқлаб 8319 сайловчи ёки сайловчиларнинг 100 проценти овоз берган.

Шунга биноан ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини қақриб олиш тўғрисида тўғрисидаги Қонуннинг 10-моддасига асосан Округ комиссияси маълум қиладики, Тошкент шаҳар 35-Гвардия савло округи

гидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган Маждид Йўлдошев депутатликлдан қақриб олинди, деб ҳисобланган.

ОКРУГ КОМИССИЯСИ.



ФЕЛЬЕТОН

Низомидинов кўп галати одам-да. Кечаси-ю-кундузи ўзидан ҳадиксиргани-ҳадиксирган. Эрталаб ишга келса-да ҳодимларнинг юзига ўзларига сездиришадан бирма-бир қараб чиқади. Ҳамма-ларни кўриб, хушчақчақ бўлиб турган бўлса хўп-хўп, борди-ю битта-аримтасининг қайди олиниб турган бўлса-чи, «Авоийнинг хунук, бир ишқал бошлайсан» дейди-да, уни ишдан бўшатиш фикрига тушиб қолади.

Бугун ҳам худди шундай бўлди. Меҳнат отпусказидан қайтган бош товароведни:

— Нега қовонгир солинган? — дея қарши олди.

— Кўринишим ўзи шунақа-да, — жавоб берди Усмонов.

«Оббо муғомбир — эй, топган баҳонасини қарай!» деб ўйлади Низомидинов ва 56-йил ўқасида ёнига тушиб, ўзидан-ўзи қўриб кетди...

Ушанда пункт ҳодимлари бир нечаси Низомидиновнинг қўлини, энг яхши кишиларни қувғин қилаётганлиги ва жинсий ишларни авж олдириб юборганлиги ҳақида шикоят ёзишганди. Уни ўша даврдаги ўқимачилик сановити министри ўринбосари А. Шербаков текширди. Фактлар тасдиқланди. Низомидиновни шон-шайин равишда ишдан олиб ташлаш тўғрисида 103-сонли буйруқ ҳам ёзилди. Лекин иш негадир бос-ти-бости бўлди-да, Низомидинов «Урхолополубром»нинг кадрлар бўлиб бошлиги ва юрест консултант Сеумян ердимида шикоятга имзо чеккан кишиларнинг фамилиясини аниқлаб олди. Сўнг уларни турли баҳоналар билан ишдан ҳайлаб юборди. Энг сўнгиси Усмонов эди.

— Сен бугундан бошлаб ишдан бўшагин, қани шағом марш! — деди Низомидинов.

Усмонов бир неча йилдан буён ана шу пунктда ишлайди. Ҳамма вақт мағзалиб келган. Коллектив уни се-

вади, ҳурматлайди. Лекин тўсатдан ишдан ҳайлаш...

— Тўшунмадим? — сўради Усмонов.

— Яхшиликча жўнаб қол, — деди Низомидинов икки қўлини биқинига олифтанамо қўндириб, — бўлмаса уруғингни ўйнатиб юбораман... Пулим бор, оғулим бор, юқорида оғайиларим бор. Сени-чи? Яхшиликча жўнаб қол. Бўлмаса, учириб юбораман, ҳа учириб...

Усмонов аввалгига ҳеч нарса тўшунмай «мудирнинг кайфи бўлса керак» деб ўйлади. Эртасига яна ана шу ҳақоратномо гапларни эшитгач, Оқубобоев номидаги 1-пахта заводи-нинг директори Дериглазовга шикоят қилди.

— Қўрай пункт бизнинг заводга қарайди. Мен директороман. Лекин гапнинг очигини айтсам, Низомидиновдан менинг ўзим ҳам қўрмаман, — дўнда қилиб деди директор.

Бошқа иложи қолмаган Усмонов Куйбўево район судига мурожаат қилди. Буни эшитган Низомидинов дарҳол «юқоридаги оғайиниси» Сеумяннинг хузурига югурди.

— Қайси Усмонов? — сўради юрест.


— Устимиздан шикоят ёзган-ку, ана ўша-да.

— Пул борми?.. Агар кўп бўлса кўрмаса, суд ҳеч нарсаси қила олмайди. Иложи бўлса Усмонов устидан жинсий иш қўзғат керак.

— Жиноятчи йўқ-да ахир хўжайини — иккинчиди деди мудир. Сеумян кўлиб юборди. Эҳтимол туғилганидан бери ана шундай хузури қилиб кўлмаган бўлса керак.

— Вой тентаковей, дунёда жиноятсиз одам бўлар эканми?

Маслаҳатдан сўнг Усмонов ҳақида «жиний» иш қўзғатиб Оржоникидзе район прокурорига топирилади. Лекин оқини қора деб бўлмаганидек, Усмоновнинг ҳеч қандай жинояти йўқ деб топилиди. Шундан сўнг ў-



Суратда: Пойтахтимиздаги ко мсомол қўлида.

Қ. Рознцов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

МЕХНАТДА, ЎҚИШДА, САҲНАДА

Минерал ўғитлар цехининг йирик ускуналаридан бири туғиш сменада бузилиб қолди. Агрегат тез ремонт қилинамаса иш суръати пасайиши турган гап. Цех бошлиғи О. Илёсов юзасидан қақриб олган сира малол кўрмайди.

Хар кўни ишдан сўнг Муҳаммаджон 6 институтга ёни маданият саройига йўл олади. У ўрта мактабни битиргач қорхонада ишлаш билан бирга кечки политехника институтига ўқишга кирган. Ҳозир 4-курсда таълим олмақда.

Мана бугун у маданият саройига боради. Бадиий ҳаваскорлар тўғрагининг энг актив қатнашчиларидан бири Муҳаммаджон Аҳмаджонов энди саҳнада ўзининг ёқимли овози билан кишиларни ҳурсанд қилади: Комбинат коллективига — эмас, балки шаҳар меҳнаткашлари — ҳам Муҳаммаджон ижросидан турли халқ кўшиқларини, мароқ билан тинч-лашади.

Чирчик электриниё комбинати минерал ўғитлар цехининг слесари Муҳаммаджон Аҳмаджонов ишда туриб, ўз билиминини ошirmoқда. У ўзи қизилдан сўнча олаш шўхлинишга ҳам вақт топади. Шунинг учун ҳам коллектив уни жузда ҳурмат қилади, ўртоқлари эса ундан ўрнат олишга интилишади.

И. САТТОРОВ.

Суратда: М. Аҳмаджонов (чапдан) маданият саройи саҳнасида кўшиқ ижро этяпти. Г. Ястребов фотоси.

ҲЕИ ЭЛЛАРДА

ХИТОЙ ХАЛҚИ Н. С. ХРУЩЕВНИНГ БАЁНОТИНИ АСТОЙДИЛ ҚЎЛЛАБ ҚЎВВАТЛАМОҚДА

ПЕКИН, 18 май. (ТАСС). Хитой халқи Совет ҳукуматининг бутун дунёда тинчликни мустақамлашга қаратилган қатъий ва изчил сиёсатини яқинлиқ билан маъқуллаб, тўрт давлат бошлиқларининг Парижда дастлабки учрашувига Н. С. Хрущев томонидан қилинган баёноти қўллаб-қувватламоқда.

Тинчликни ҳимоя қилиш Хитой халқ комитети раиси Го Мо-жо, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Хитой комитетининг раиси Ляо Чэн-чи, Умум Хитой қасаба союзи федерациясининг раиси Лю Нин-и, Хитой Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Ху Яо-бан ва Умум-хитой хотин-қизлар федерациясининг раиси Дай Чан ўзлари бошчилик қилаётган ташкилотлар номидан СССР ҳукуматининг адолатли позициясини қўллаб-қувватлаш юзасидан баёнотлар бердилар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Хитой халқ комитети раиси Го Мо-жонинг баёнотида бундай дейилади.

«Хитой халқи америка империализми томонидан амалга оширилаётган агрессия ва уруш сиёсатига қарши қатъий суратда чиқиб, Совет ҳукуматининг мустақам ва адолат-

ли позициясини қатъият билан қўллаб-қувватламоқда. Биз совет халқи билан бутун дунёдаги тинчликсевар халқлар билан биргаликда халқаро кескиликни юмшатиш, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўлида муттасил ва ҳормай-толмай куч-ғайрат сарфлашга тайёризмиз».

Пекинда бугун чиққан газеталарнинг ҳаммаси тўрт давлат бошлиқларининг Парижда дастлабки учрашувига Н. С. Хрущев томонидан берилган баёноти, муҳбирларнинг саволларига СССР Министрлар Совети Раисининг берган жавобларини, шунингдек совет халқининг Н. С. Хрущевнинг баёнотини қўллаб-қувватлаш юзасидан, америка жо-еус самолёти Совет Иттифоқининг ҳаво чегараларини бузганлигига қарши ўтказётган митингларига ҳақидаги фотосуратларини ва ҳисоботларини йирик сарлавҳалар остида энг кўзга кўринарли жойларда босиб чиқарганлар.

Хитой халқи, деб ўқитиб ўтади «Жэньминь жибао» газетаси Совет Иттифоқининг мустақам позициясини қўллаб-қувватлайди ва совет халқи билан биргаликда Америка империализмига қарши кескин курашади.

АҚШНИНГ АГРЕССИВ СИЁСАТИ ХАЛҚЛАР МАНФААТИГА МОС ЭМАС

СОФИЯ, 18 май. (ТАСС). Болгарияда бугун чиққан марказий газеталарнинг ҳаммаси Н. С. Хрущевнинг тўрт буюк давлат бошлиқларининг Парижда дастлабки учрашувига берган баёнотида катта эътибор бермоқдалар.

«Работническо дело» газетаси «Халқимиз Н. С. Хрущевнинг баёнотини яқинлиқ билан қўллаб-қувватламоқда» деган сўзларини йирик сарлавҳа остида ўзининг биринчи саҳифасида босиб чиқарган. Газета бош мақолада бундай деб ёзади: Н. С. Хрущевнинг баёноти го-ят катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Бунда Совет ҳукуматининг ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашларидан иборат ленинча сиёсатини бундан кейин ҳам оғимай амалга оширишга бўлган қатъий иродаси аке эътириланган.

Америка самолётининг Совет Иттифоқи территорияси устида иго-вогарона учганилиги бутун жаҳон жамоатчилигини қаттиқ газаблантирганлигини таъкидлаб, газета бундай деб ёзади: агарда АҚШ ҳукумати масъул раҳбарларининг Парижда бўладиган учрашувда етилган халқаро проблемалар юзасидан битимга келишга ёрдам бериш йўлидаги ниятлари самийий бўлганида, у вақт-

да АҚШ ҳукуматининг масъул раҳбарлари ўз органларининг ана шу гайри қонуний ҳаракатларини қораламоқлари ҳамда уларни жавобгарликка тортмоқлари лозим эди.

Америка Қўшма Штатларнинг давлат доктринаси сифатида эълон қилинган агрессив сиёсат халқларнинг ту-б манфаатларига сира мос келмайди. Газеталарда, қорхоналарда, муассасаларда ва ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик кооперативларида бўлаётган йиғилишлар ва митинглар ҳақида мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларидан олинган жузда кўп халқлар босиб чиқарилган. Болгария меҳнаткашлари бу йиғилиш ва митингларда Н. С. Хрущевнинг баёнотини қизгин қўллаб-қувватламоқдалар.

ТУРКИЯДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 18 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабар бери-шича, кеча Измирда (Туркия) ёшларнинг ҳукуматга қарши янги намоийиси бўлган. Намоийишда 500 га яқин киши қатнашган. Намоийишчилар ватанпарварлик қўшиқларини айтдилар ҳамда «Озодлик!» ва «Мендерес истеффо берсин» деган широрларни хитоб қилдилар. Батзи йўловчилар тўхтаб қолиб, уларга қарсақ чалдилар. Ҳукумат биноси ва ҳавфсизлик органлари жойлашган майдонда намоийишчилар миллий гимини айтдилар.

Отлиқ полиция отрядлари намоийишчиларни тарқатиб юбордилар. Етти студент қамоққа олинди.

ЛОНДОН, 18 май. (ТАСС). Рейтер агентлиги муҳбирининг Измирдан хабар беришича, кеча Туркия бош министри Мендерес Манисада (Измир)

Сайрус Итондан ўч олмоқчилар

ВАШИНГТОН, 20 май. (ТАСС).

Юксак даражадаги кенгашии барбод қилган Қўшма Штатларнинг ашаддий милитарист империалист кучлари ва уларнинг конгрессдаги агентлари ўзларининг ифлос ҳаракатларини хас-пўшламоқ учун сенатда коммунистларга қарши вазасасани аж олди-ришга уринмоқдалар. Тинч-тотув яшаш идеясига қаршилик кўрсатиб келаётганлиги билан ном чиқарган ва «совуқ уруш»ни қучайтиришнинг ашаддий тарафдорларидан бири бўлган сенатор Додд кеча нутқ сўзлаб, Американинг машҳур жамоат арбоби ва сановатсиз, «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» Ленин мукофотининг лауреати Сайрус Итонга қарши жу-да кўп тўхмат гапларни айтди. Американинг бу реакционер й ўз нутқида Сайрус Итоннинг бутун дунёда тинчликни таъминлаш мақсадида Совет Итти-фоқи билан дўстлик муносабатла-рини мустақамлаш учун изчил ку-раш олиб беришганидан жу-да га-забланиб гапирди. Додд Сайрус Итон-нинг бу олижаноб фаолиятидан га-забланиб, шу даражага бориб ет-дики, у, Сайрус Итони Парижда Совет ҳукумати бошлиғи билан уч-рашганлиги учун судга бериб, қа-маб қўйишни талаб қилди.

Итоннинг «киноялари» шундан иборатки, деди Додд, у, «коммунистларнинг раҳбарлари билан борди-келди қилмоқда ва савгалар айир-бошмоқда»; «Итон Россияда Қўшма Штатларни танқид қилмоқда ва Қўш-ма Штатларда Россияни мақтамоқ-да», «у, давлат секретари Даллеси Пентагондаги генералларини ва уму-ман Америка сиёсатчиларини, улар бизни муттасил урушга судрамоқда, деб айбонди», шунингдек Сайрус Итон «Америка амалдорлари Амери-ка халқининг вакили эмас, аммо, Совет Иттифоқида ҳукумат бутун халқ номидан иш қилмоқда, деб айтган».

Сенаторлардан Хикенлупер ва Гор-хам Сайрус Итон устига худди шун-дай айб қўймоқдалар.

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОИЧА ЗАМОНАДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —21/У да Оқуш кўли, 22/У да кундуз Марварид кидирувчилар, кечқурун Анда. 22/У га белгиланган «Пета ва Бўри» балетининг премьераси 1/У га кўчирилди. Со-тиб олинган билетлар шу кунга ярайди.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—21/У да Фуқрат, 22/У да Тоғажилар.

МУҚИМНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қирқи кино)—21/У да Нур-хон, 22/У да Оқ нулдулар.

ИКИНЧИ БАҲОР «БАТАН» (Ўз-бек тилида эрталаб соат 9-40 ми-нут, кундуз 1, 3, 5 ва кеч 8-40 ми-нутда). (рус тилида эрталаб 11-20 минут, кеч 7 ва 10-20 минутда).

Очилган кўриқ (2-серия) — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ НОМЛИ (кун-дуз соат 1 ярим, 3-20 минут, кеч 6-50 минут ва кеч 10-20 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 1 ярим, кеч 5, 8-20 минут ва 10 да), НА-ВОИЙ номли (ёғи, кеч соат 9 ва 10-40 минутда), ТЕЛЬМАН НОМ-ли (кеч 10 яримда), СТЕПАН РА-ЗИН номли (кеч 8-50 минутда), «УДАРИК» (кеч 9 ва 10-40 ми-нутда).

Фрондтан хатлар —«ЎЗБЕКИ-СТОН» (эрталаб 10, 11-45 минут, кундуз 3-15 минут ва кеч 6-45 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб 11, кундуз 3 ва кеч 7 да), «СПУТ-НИК» (кундуз 1, 3, кеч 7 ва 9 да).

Турли тақдир — «КОМСОМЛ 30 ИЛИНГИ» (кундуз ва кечқу-рун).

Катта дарёлик икки киши — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 ва 22 майда ЎЗБЕКISTON САНЪАТ УСТАЛАРИ

концерти

Концертда: Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артистлар Коммуна Ёсмонлова, Қўндў Миркаримова, Эргаш Шукрулаев, Карим Алиев, Янаҳон ёшлар фестивали лауреатлари Клара Жалилова, Фозил Хар-ротов, Гафур Иноғомов, Радио ва телевидение бошқармаси со-лести Карим Мўзинов, филар-мония солистлари Неъмат Ку-лабдуллаев, Топтемир Шари-пов, Раббим Ҳамдамовлар қат-нашади.

Концерт кеч соат 9 да бош-ланади. Билетлар кундуз соат 12 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ПОДШИПНИК ЗАВОДИГА

инженерлар: конструкторлар, технологлар, экономист, ишлаб чиқариш диспетчерлари, цех бошлиқлари, 5-6 разрядли то-карлар, операционники токарлар ва шлюфовкачилар, 5-6 разряд-ли электросварлар, 5-6 разряд-ли электромонтерлар, ускуна слесарлари, дурадгорлар, ёр-дамчи ишчилар

Керак

Мурожаат учун адрес: Уста Ширин кўчаси, 106-уй (6-трол-лейбус, 10 ва 11-автостанция «Красный партизан» останова-си).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депута-тов трудящихся.

Р. 06543.

Редакция мизнинг
АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммунатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пролетарда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиш бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Сановат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётнинг босмаҳонаси.

Нашр. А. 1600.